

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Умурзақова	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеъриятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида)	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Хабибжонов	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социолингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиёва, М.Қўшматова	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оналар ҳамкорлиги	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

ЭРКИН САМАНДАРНИНГ “ТАНГРИ ҚУДУҒИ” ТАРИХИЙ РОМАНИДА АНЪАНАВИЙ
МОТИВ ВА ТИМСОЛЛАРНИНГ ЎРНИ

ТРАДИЦИОННЫЕ МОТИВЫ И ОБРАЗЫ В ИСТОРИЧЕСКОМ РОМАНЕ ЭРКИНА
САМАНДАРА “КОЛОДЕЦ БОГА”

TRADITIONAL MOTIVES AND IMAGES IN THE HISTORICAL NOVEL
“GOD’S WELL” OF ERKIN SAMANDAR

Оманова Мубора Абдуразоқовна¹

¹Оманова Мубора Абдуразоқовна

– Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети ўқитувчиси, мустақил
тадқиқотчи.

Аннотация

Мақолада Эркин Самандарнинг истиқлол даврида яратилган “Тангри қудуғи” романида анъанавий мотив ва тимсолларнинг ўрни таҳлил қилинган. “Тангри қудуғи” романи “Қуръони карим”дан эпиграф келтириш билан очилади. Ёзувчи илк сатрлардаёқ исломий ҳужжат-қўрсатмаларга таяниб, роман қаҳрамонларини ўз нафсини поклай олган ёхуд бу амални урдалашга қурби етмай номурод бўлган икки гуруҳга ажратади. Адиб бутун юртни уруш-қирғин, бироварқушлик ва падарқушлик қамраб олган, нафс илинжидаги турфа эврилишлар беҳад кўпайган даврда ҳам, тинчлик, меҳр-оқибатни шиор қилиб, шу йўсиндаги ишларга бош-қош бўлган иймони пок, эътиқоди мустаҳкам кишилар образини қаламга олади. Одамлар қилмишини муқаддас қудуқ суви тиниқ-зилоллиги ёхуд қон-йиринг тусига киришига қараб, ранг-мажозлар орқали баҳолайди.

Аннотация

В статье анализируется место мотива и символов в романе Эркина Самандара “Колодец бога”, написанного в годы независимости. Роман “Колодец бога” начинается с эпиграфа, приведённого из священного “Корана”. На основании указаний священной книги, писатель с первых же строк делит героев на две группы: группа героев, которые очищали себя от грехов; и группа героев, которая не смогла очиститься. Писатель указывает на таких героев, которые ни в каких условиях и событиях не утратили свою человечность и веру, и взяли себе лозунг благородства в мире, несмотря на войны и резни, изменения в жизни людей того времени. Через изменение цвета воды священного колодца на чистую прозрачную или цвета грязного гноя оцениваются людские деяния.

Annotation

The role of motives and symbols in the novel “God’s well” by Erkin Samandar, written in the years of Independence has been shown in the article. The novel begins with the epigraph, taken from the sacred “Koran”. According to the citation of the sacred book, the writer divides the characters of his novel into two groups: the group of people, who purged themselves from the sin; the second group, who could not purged. The writer depicted the heroes, who did not lose their trust and humaneness at any conditions, and took the motto of nobleness in the world, in spite of wars and disasters. The peoples’ acts are evaluated by the change of the colour of the water in the sacred well, converting from the transparent and clean into the muddy.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий роман, сюжет, композиция, шайх, мотив, тимсол, валийлик, анъанавий, илоҳий, тасаввуф.

Ключевые слова и выражения: исторический роман, сюжет, композиция, шейх, мотив, символ, опека, традиционный, божественный, мистицизм.

Key words and expressions: historical novel, plot, composition, sheikh, motive, symbol, guardianship, traditional, divine, mysticism.

Сўнги йиллар ўзбек романлари сюжети ва композициясида анъанавий мотив ва тимсоллар, хусусан, диний-илоҳий мавзу ҳамда ғоялар талқинига эътибор ортди. Натижада, улар асар поэтикасини белгилашда муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” [6] тарихий романида воқеалар ички мантиғини таъминлаш ва

характерлар руҳиятини акс эттиришда халқ ишонч-эътиқодлари билан боғлиқ анъанавий мотивлардан баракали фойдаланилган. Ҳатто, поэтик ижод жараёнида Хива Ичан қалъадаги “тангри қудуғи” билан боғлиқ тимсол роман сюжети ва композициясига кучли таъсир ўтказиб, муаллифнинг Абулғози Баҳодирхоннинг бош қаҳрамон сифатида тасвирлаш режасини кескин

ўзгартириб, “қудуқ” образини биринчи планга чиқишига олиб келган.

Романда тасвирланишича, узоқ йўл юриб ўзлари ҳам, саҳобалари ҳам беҳад толиққан Сом пайғамбар баланд кум тепасида тўхтаб, шу ерда тунашга қарор қиладилар. Сабру қаноатни туғ қилган пайғамбар шу кечаси тушларида ўз оталари Нуҳ алайҳиссалом руҳи билан мулоқот қиладилар:

“Фир-ғир шаббода аллалади, пайғамбар уйкуга кетдилар. Туш кўрдилар. Қошларида шам кўтарган одамлар пайдо бўлди. Улар бир неча сафларга тизилган эдилар. Ундан бунга юрдилар, бундан унга. Ҳар қайси ўз жойини топгандек саъй-ҳаракатдан тўхтадилар. Шамларни баланд кўтариб ҳайкалдек қотдилар.

Пайғамбар уларга разм солиб, улкан кема шакл-шамоилини кўрдилар. Теварагида шамлар ёниб турган ғаройиб кема. Кеманинг ёнида қудуқ кўрдилар. Кимдир ундан сув олиб келди. Ичдилар. Бундай хуштаъм сувни ҳали ичиб кўрмаган эдилар.

Қошларида падари бузрукворлари Нуҳ пайғамбар пайдо бўлдилар. Айтдилар: “Тўфон пайти кемани шу ерда тўхтатиб ўтган эрдик”. Васият этдилар: “Бунда кема шамолида шаҳар бунёд айлагил”. Кўздан ғойиб бўлдилар. Сом пайғамбар уйғонганларида тонг оқара бошлаган эди...

Аввал қудуқ қазидилар. Сувини ичиб, мазасини тотиб кўриб: Ҳей, воҳ, дедилар. Шу тариқат Хевақ қудуғи пайдо бўлди. Шу тариқат Хевақ шаҳри қад ростлади.” [6,33]

Туш асносида ота ва ўғил ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг қаҳрамон қалбида илоҳий ният куртак очади. Умидворлик ва ўзига ишонч янада ортади. Танишганимиздек. Асарда руҳнинг қаҳрамонга далда бериши ривоят асосида баён қилинади. Мазкур ривоят билан роман бадиий воқелиги узвий туташиб, асар лейтмотивида муҳим ўрин тутувчи “қудуқ” ва “шаҳар” деталлари илоҳий моҳиятига ишора қилинади. Ривоятда баён қилинишича, Нуҳ алайҳиссалом ва унинг атрофидаги одамлар кўлларида шам кўтариб олишган. Маълумки, шам ўз танасини қурбон қилиб атрофга нур, зиё таратади. Носир роман рамзий асосида ҳам ўтганлар руҳининг ғайришуурий тарзда авлодларни кўллаб, мадад бераётганига ишора қилмоқда. Эслатиш ўринлики, Ҳамлетнинг ўз отаси (В.Шекспир), Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф кўрган тушларда (О.Ёқубов) ҳам ота руҳининг пайдо бўлиши

бу характерлар руҳиятини ёрқинроқ очишда ғоявий-эстетик аҳамият касб этган, айна пайтда, муҳим композицион вазифа бажарган, уларда ҳам истиқболда содир бўлиши лозим бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида олдиндан башорат қилинганди.

Адиб милоддан аввалги V асрда бунёд этилган Хива қалъаси номи этимологиясини шаҳарнинг қадимий қисмида жойлашган, ҳозиргача сақланиб қолган “Хейвақ” (Хивак) қудуғи билан боғлашда археологик маълумотлар билан бир қаторда, халқ ривоятлари, шунингдек, тарихчи-солномачи Худойберди Қўшмуҳаммаднинг “Дили Ғаройиб” (1831 йил) асарида Сом пайғамбар бу шаҳарнинг бунёдкори экани ҳақида келтирилган адабий фактга таянган. Араб-форс тилидаги тарихий-географик манбалар: Истахрий, Муқаддасий, Ёқут Ҳамавий, Низомиддин Шомий, Маҳмуд ибн Валийга, кўпинча Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима”, Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол”, Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий” асарлари, Я.Ғ.Ғуломов, С.П.Толстов, А.И.Триножкин, З.Бунёдов тадқиқотларига мурожаат қилган. Саид Аловиддин, Биби Ҳожар мақбаралари, Саид Маҳрўйжон, Паҳлавон Маҳмуд, Шайх Қаландарбобо, Қибла Тозабоғ мажмуалари, Жума масжид, Кўҳна Арк (Арзхона), Оқ шайх бобо кўшки, Тошҳовли ва бошқа кўплаб сарой, карвонсарой, тим, масжид, мадраса, ҳаммом, минор ва дарвоза каби тарихий-меъморий обидалар, ноёб осори-атиқаларни синчковлик билан кузатган. Афина, Рим, Қоҳира каби машҳур шаҳарларга тенгдош бўлган бу музей-қўриқхонани яқиндан билиш, ундаги ҳар бир ғишт ва кошинга маънавий-руҳий яқинлик романда тасвирланган даврни дилдан ҳис қилиш, қаҳрамонлар руҳиятига чуқур кириб бориш имконини берган. Шунга қарамасдан, “Тангри қудуғи” романида мўъжизавий қудратни тамсил этувчи қудуқ ва Хива шаҳри бунёд этилиши муайян даражада илоҳий башорат, пайғамбарона ҳукм, маънавий-руҳий ундов билан изоҳланган.

“Тангри қудуғи” романи “Қуръони карим”дан эпиграф келтириш билан очилади. Мазкур эпиграфда Қуёш, Ой, кундуз, кеча, Осмон, Ер, жон ва барчасини расо қилиб кўйган улуг Зотга қасам қилинаркан, нафснинг иймон ва тақво билан покланиши нажотга, жоннинг фисқ-фужур билан кўмиб ташланиши жазога мустаҳиқ экани эслатилади. [7,1-10]

Романда тасвирланишича, ёмонлар нуқси, ёвузлар қилмишидан сув ҳаром, эл пажмурда, руҳлар безовта бўлган кезде тепасида бош қирқилиб, қон тўкилмаган бўлса ҳам, қудуқнинг ранг-туси кескин ўзгаради. Масалан: “Шамсиддин хожа қудуққа энгашди, дарвиш фонусни пастроқ туширди. Қудуқ томоғигача қип-қизил қон. Юзасида бир жуфт кўз қорачуғи қалқиб юрар, икки дона гўдак кокили узала ётар, дорга осилган, чопилган имом, эшон ва кўп алломаларнинг бошлари қудуқ тубида бирига уйқашиб кетган эди.” [6,200]

Романда Абулғози ва Ануша муҳаббати; Абулғозининг қувғинда чеккан жафолари ва Арабмуҳаммадхон фарзандлари Ҳабаш, Элбарс биродарқушлиги, Исфандиёр тутумлари – уруш суронларидан ўртанган ҳукмдор фожиаси, фитнакор Зикриёбегим ва бебахт Холлигул тақдири билан боғлиқ сюжет воқеалари сочилиб кетади. Асарда тож-тахт учун кураш жараёнлари тасвири етакчи мақсад даражасига кўтарилиб, ўша тарқоқликни ягона фокусга жамлайди. Ниҳоят, тахт тепасига Абулғозихон келгач, зулм ва зўрлик барҳам топиб, юртда тинчлик

барқарор бўлади. “Тангри қудуғи”нинг суви тинади. Чашмадай зилол сув тиниқлиги тинчлик ва барқарорлик рамзи, ҳаётбахш тимсол вазифасини ўтайди.

Адиб “Тангри қудуғи” романида қаҳрамонлар руҳиятини очишда мададкор руҳлар билан туш орқали мулоқотга киришиш мотивидан унумли фойдаланади. Жумладан, Арабмуҳаммадхон ўз отасининг руҳи билан бир неча бор суҳбатлашади. Қозикалон Муртазобекка тушида ота Исҳоқбек васият қилади. Исфандиёрхон тушида аждодлар билан мулоқотга киришади ва ҳоказо. Романдаги бу каби ҳолатлар қаҳрамонлар тақдирига муайян даражада таъсир этади. Туш мотивидаги мададкор руҳлар тарихий воқеалар оқимида ҳамоҳанг тарзда берилади ва роман сюжети ривожига таъсир этади.

Кўринадикки, носир Арабмуҳаммадхон ва унинг авлодлари тақдири, имон-эътиқоди, фожиали қисмати билан яхши таниш. Халқ ишонч-эътиқодларига хос турфа мотивларга фаол мурожаат этилиши боис романда тарихий воқеалар оқими ва қаҳрамонлар қисмати ишонарли тасвирланган.

Адабиётлар:

1. Ёқубов И. Замонавий ўзбек романларида румиёна руҳ. // Шарқ машъали. -2009 йил, 1-сон.
2. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. –Т.: Маънавият, 2000.
3. Эркин Самандар. Тангри қудуғи. –Т.: Камалак – Хазина, 1996.
4. Қуръони Карим. Ваш-шамс сураси, 1-10- оятлар.
5. Ҳожиакбар Шайхов. Туташ оламлар; Икки жаҳон овораси. Илмий фантастик романлар. – Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2001.
6. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).